

**Нарпай туманидаги “Нарпай” каналнинг ПК208+00дан ПК216+00 гача
қисмини реконструкция қилиш объекти
НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ.**

2021 йил 5 декабр

Оқтош шаҳри

Биз қуйидагилар:

1. Нарпай ирригация тизими бошлиғи
2. Нарпай ИТБ бош гидротехниги
3. Нарпай ИТБ бош гидрометри
4. Нарпай канали 1-учаска бошлиғи

И.Очилов
Т.Хайдаров
Х.Халилов
К.Рўзиев

1.Ишчи гуруҳ 2021 йил декабрда Нарпай туманидан оқиб ўтувчи “Нарпай” каналнинг “Хўжақарзон” МФЙ ҳудудидаги ПК208+00 дан ПК216+00 га қисмини техник ҳолатини юқоридаги комиссия аъзолари томонидан жойида ўрганиб чиқилди. Унга кўра Нарпай канали қурилган йилидан буён бугунги кунгача кичик таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилиб келинган, лекин шунча йилдан буён қайта реконструкция ишлари амалга оширилмаганлиги сабабли узоқ йиллар давомида каналнинг кирғоқлари ва дамбаси максимал сув сарфи, сел ва тошқин сувлар хар-хил ташлама сувларининг таъсири натижасида, каналда кирғоқлари ва дамбасида ўпирилиши ва емрилиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу эса келгуси Вегетация даврида каналнинг исталган жойидан сув ювиб кетиш оқибатлари кузатилиб, канал ўзани ўзгариб “Хўжақарзон МФЙдаги “Хўжақарзон” қишлоқ қабристонинг бир қисмини сел ювиб кетиши ва фермер хўжаликларнинг ер майдонларига керакли сувнинг етиб боришига тўсқинлик туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳудуддаги ер майдонларидан олинадиган ҳосилдорлик пасайиб кетишига ўз таъсирини кўрсатмоқда:

Юқоридагиларни инобатга олиб Нарпай каналнинг “Хўжақарзон” МФЙ худидидан оқиб ўтган ПК208+00дан ПК216+00гача бўлган емирилиб кетган ва ювиб юборилган қисмини ва ўзани ўзгариб қабристонга талофат етказган қисмида реконструкция ишларини бажариш талаб этилади.

Нарпай туманидаги “Нарпай” каналнинг ПК208+00дан ПК216+00 гача қисмини реконструкция қилиш объекти, канални сув ўтказиш қобилияти 70 м³/сек.га мўлжалланган, каналнинг ушбу қисми тўлиғича реконструкция қилиш ва тахминий механизмларда 3,848 минг.м³ тупроқ иши бажарилгандан сўнг 30,2 минг.м³ харсанг тош қалаш ишлари ва 31,2 минг.м³ бетон ишларини бажариш талаб этилади.

‘Нарпай ирригация тизими бошлиғи

Нарпай ИТБ бош гидротехниги

Нарпай ИТБ бош гидрометри

Нарпай канали 1-учаска бошлиғи



[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

И.Очилов

Т.Хайдаров

Х.Халилов

К.Рўзиев